

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Холиқов Камолиддин Абдуганиевич
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ

Аннотация: Ушбу ишда ўқув жараёнида кейс-стади методининг келиб чиқиши ундан фойдаланишнинг афзалликлари келтириб ўтилган. Кейснинг назарий таҳлили белгиланган, кейс топшириқлари муҳокама қилинган.


Таянч сўзлар: кейс-стади, таълим методлари, ўқув жараёни, педагогик технология, дарс самарадорлиги.

Бугунги кунда фан ва техника ва интернет ривожланиши жамиятнинг ахборотлашишига олиб келмоқда. Ахборот технологиялари ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кенг ва жадал кириб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантиришга замин яратмоқда. Ахборотлашган жамиятнинг ташкилий-технологик асосини глобал тармоқ -интернет ташкил этади. Ахборотлашган жамият талабларига тўлиқ жавоб берадиган замоновий ўқитиш технологияларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда дарс ўтиш, бугунги кундаги олий таълимда етук мутахасислар тайёрлашда муҳум ўрин эгаллайди. Интерфаол таълим, ўз моҳиятига кўра, сухбатнинг «ўқувчи (tinglovchi va курсант) – ахборот-коммуникацион технологиялар» шаклида ташкил этилиши ўқувчи (tinglovchi va курсант)лар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигига ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакалар ўзлаштирилишини англалади [1]. Технология негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қўйидагилар: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва ўқувчи (tinglovchi va курсант) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари [2].

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимиға илгор педагогик технологияларини жорий қилиш зарурлиги кўп марта такрорланган [1]. Бугунги кунда Республикализнинг педагогика соҳасидаги олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмокдалар. Янги педагогик-технологиялар кун сайин ривожланиб бораётган пайтда янгидан-янги замонавий педагогик-технологиялардан бири

Кейс-стади методи хақида тушунчалар бериб ўтамиз. Кейс-стади инглизча case - аниқ вазият, stadi – таълим сўзларининг биркувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характерига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради [3-4].

Кейс-стади технологиясининг умумий кўриниши:



Ушбу метод дастлаб 1920 йилда Гарвард бизнес мактаби ([Harvard Business School](#))да қўлланилган. Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес ўйналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарсликларнинг мавжуд эмаслигини тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан интервью олиш, ҳамда мана шу менеджерларнинг фаолияти, унга таъсир этувчи омиллар юзасидан батафсил хисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларга у ёки бу ташкилот тўқнаш келган конкрет вазият, ушбу вазиятни таҳлил этиш ва мустақил равишда ёки жамоа бўлиб мунозара ташкил этиш асосида унинг ечими топиш тарзида тақдим этилар эди. Кейинчалик кейс методи бизнес ўйналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб этилган [5]. Ҳозирги кунда эса, касбий компетентликни ривожлантириш нуқтаи назаридан мазкур метод тарафдорлари кўпайиб бормоқда. XX асрнинг 50- йилларидан бошлаб бизнес-кейслар Фарбий Европа мамлакатларида оммалашди. Европанинг етакчи бизнес мактаблари [INSEAD](#), [LBS](#), [HEC](#), [LSE](#), [ESADE](#) ва бошқалар кейс-стади методи асосида дарс берибина қолмай, кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок эта бошлайдилар. Кейс – бу яхлит ахборотлар мажмуи. Қоидага кўра, кейс уч қисмдан иборат бўлади: 1) кейсни таҳлил этиш учун зарур ёрдамчи ахборотлар;

2) аниқ вазият баёни; 3) кейс топшириғи. Профессор-ўқитувчи раҳбарлигига аудиторияда ҳамкорликда кейс-топшириғини муҳокама қила олиш демакдир. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини, таълим жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва таълим олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида түлиқ бошқариш ғояси ташкил этади. Бундай ёндашишнинг моҳияти, таълим жараёнини тизимлаштиришдан уни, аниқ расмийлаштирилган ва деталлари бўйича аниқ элементларга бўлиб ташлаш ёрдамида максимал шакллантиришdir [6].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида айтиб ўтилган методни назарий ва амалий машғулотларда қўллай олсак, ўтилаётган дарсларнинг самарадорлиги янада юқори бўлишига эришиш мумкин. Таълимий характерга эга муаммоли вазият (ўқув кейси)ни ташкил этиш мақсади мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жамоа ўртасида муаммоли вазиятни яратиш, уни ҳал қилиш ечимлари тўғрисидаги фикрларни жамлаш, муҳокама қилиш орқали тўғри қарорлар қабул қилиш муҳитини яратишдан иборат

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алоқа ахборотлаштириш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммолари. Маъruzalap тўплами 1-том. Тошкент 2014й.
2. <http://www.ziyonet.uz>
3. Э.З. Имамов Х.Н.Каримов, С.С.Халилов, А.Э.Имамов // Будущее за обучением с активным процессом самообразования студентов // “Science and innovation” international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2022. № 5. -C. 479-482. (URL: // cyberleninka.ru/article/n/buduschee-za-obucheniem-s-aktivnym-protsessomsamoobrazovaniya-studentov/viewer)
4. Х.Ш.Асадова, Ю.Н.Каримов // Янги замоновий технологиилар асосида ўқув жараёнини самарали ташкил этиш // “Science and innovation” international scientific journal. Volume 1 Issue 7. 2022. -C. 230-233. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zamonoviytehnologiyalar-asosida-uv-zharayonini-samarali-tashkil-etish/viewer>
5. Э.З. Имамов Х.Н.Каримов, С.С.Халилов, А.Э.Имамов // Янги Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш билан боғлиқ муаммолар //«Science and innovation» international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2022. № 3. -C. 367-372. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekistonda-ayta-tiklanuvchi-energiya-manbalarinzhoriy-etish-bilan-bo-li-muammolar/viewer>
6. Kh.N.Karimov. // Methods of self-education in teaching students physics using ict-information and computer technologies. // “Galaxy international Interdisciplinary Research Journal”, 11(2), -C. 471–475.